



Фарғона ҳақиқати



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган



<http://farhaqiqat.uz/>



t.me/farhaqiqati

2021 йил 4 май, сешанба

№ 38 (24531)

СЕНАТ РАИСИНИНГ ТАШРИФ ХУЛОСАЛАРИ:

Таҳлил вилоятда аниқланган ютуқ ва камчиликлар



■ Шу йилнинг 12-17 апрель кунлари Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи Фарғона вилоятида "маҳаллабай" тизими асосида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" та киритилган оилалар билан ишлаш, бандлигини таъминлаш, яшаш, уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича секторлар кесимида амалга оширилётган саноат-харажатларни ўрганган эди. 29 апрель — 1 май — уч кун мобайнида ишчи гуруҳ хулосаларини жойида ўрганиш мақсадида Сенат раиси Танзила Норбоева Қўштепа, Тошлоқ, Олтиариқ туманлари ва Қувасой шаҳрида бўлди. 1 май кун Фарғона вилояти ҳокимлиги катта мажлислар залида ўрганишлар якунига бағишланган видеоконференцалоқа тарзида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.



ДИЛДА ШУКРОНА, КЎЗЛАРДА ҚУВОНЧ

Фарғона тумани "Хонқиз" МФЙ, Сойбўйи кўчаси, 8-уйда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Турсунбек ота Исанбеков истиқомат қилади.

96 ёшли бобо турмуш ўртоғи Ҳабибахон Исанбекова билан уч ўғил, беш қизни тарбиялаб, вояга етказишди. Бугун 30 дан зиёд набира, 20 нафар чевара қуршовида умргузaronлик қилишмоқда.

Матн ва сурат муаллифи Шерзод ҚОРАБОЕВ.

ХОТИРА БОР ЭКАН — МИЛЛАТ БАРҲАЁТ

Вилоятимизда "Шараф лентаси" тарқатилмоқда



9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилоят Кенгаши томонидан тинч ва ёруғ кунларимиз учун курашган ватандошларимиз хотирасини ёд этиш, боболаримизга эҳтиром кўрсатиш мақсадида "Хотира бор экан — миллат барҳаёт" шиори остида "Шараф лентаси" тарқатилмоқда.

— "Шараф лентаси"ни кўксинга тақар эканман, тинчлик, бугунги фаровон кунлар учун курашган аجدдоларимиздан яна бир бор фахрланиш туйғусини ҳис қилдим, — дейди фаол ёшлардан бири Абдулазиз Абдухамидов. — Бу йўлда заҳмат чекканларнинг қадри улғу, хотираси азиздир.

Вилоятимизнинг 19 та туман-шаҳарида ҳам бу тадбир қизғин давом этмоқда. Савдо мажмуалари, қорхона-ташкilotлар, таълим муассасалари ва бошқа аҳоли гавжум маканларда "Шараф ленталари" тақдим этилмоқда.

Шоҳсанам ЭШМАТОВА.
Элёр ОЛИМОВ олган сурат.

Мавсумнинг илк меваси — аҳоли дастурхонига

Бугун бозорларимизда ёқутдек товланган, таъми ўзгача қулпнайлар эл дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Қулпнай мевали ўсимликлар ичида энг эрта пишари, мавсумнинг илк мевасидир. Янги териб олинган жуда мазали ва хушбўй бўлиб, таркибида 4-11 фоиз қанд моддаси, 0,28-1,6 фоиз кислоталар, 37-130 мг/фоиз С витамини, энгил ҳазм бўладиган темир, фосфор, калий, кальций тузлари ва бошқа витаминлар мавжуд.

Қува, Ўзбекистон туманлари ҳамда Қувасой шаҳри миришкорлари илғор тажрибалар асосида қулпнайни эрта етиштиришни йўлга қўйган. Бу эса апрель ойидан бошлаб, бозорларни сархил мева билан таъминламоқда. Айни кунларда Қува туманидаги Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий марказида қулпнай пешма-пеш бозорларга етказиб берилляпти. Мазлумотларга қараганда, ёш боллар орасидаги 60 гектар майдонда "Ўзбекистон", "Дилбарим", "Қобра" каби навлари

етиштирилляпти.

Пудратчи Давронбек Олимов 50 сотих оқиқ майдонда плёнка остида қулпнайнинг "Ўзбекистон" навини парваришлаб, аҳоли дастурхонига етказмоқда. Унинг айтишича, ўтган йили 25 миллион сўмдан ортиқ даромад олган.

— Илгарилари қулпнай май ойининг охирида бозорга чиқарди, — дейди Давронбек. — Бугун эса қулпнайзорларнинг миришкорлари кўпайди. Плёнка остида ёки иссиқхонада парваришлаш камчида бир ой олдин пишишига хизмат қилади. Албатта, бунинг машаққати бор. Баҳор фаслида ҳаво анча совуқ бўлди. Бу қулпнайзорга ҳам таъсир қилди. Шундай бўлса-да, 5 тоннадан ортиқ ҳосил олишни кўзлаб туриш.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.
Шерзод ҚОРАБОЕВ олган сурат.



Эътироф этилди:

- Вилоятнинг 13 та ҳудудидида "Хунармандлар маркази"нинг ташкил этилгани;
- қир-адир, тош-шағал ерларда иссиқхоналар барпо этилгани — Олтиариқ тажрибаси;
- ҳар бир секторда 2-3 тадан кичик саноат зоналарининг мавжудлиги — Тошлоқ тажрибаси;
- ташландиқ биналар ижтимоий уйлارга айлантирилгани, барча керакли анжомлар билан жиҳозлангани;
- энгил конструкцияли контейнер боғчаларнинг арзон, сифатли қурилгани — Фарғона тажрибаси;
- Лола Муротова бошчилигида ёш фермер қизлар мактаби фаолиятининг йўлга қўйилиши;
- Фарғона давлат университетидида Гендер масалалари бўйича инновация марказининг ишга туширилгани.

Танқид қилинди:

- Маҳаллий кенгаш депутатлари фаолиятининг суст экани;
- фаолиятда мувофиқлаштиришнинг талаб даражасида эмаслиги, тизимлар ўртасида ўзара ҳамкорликнинг йўқлиги;
- аҳолининг банклар фаолиятининг рози эмаслиги;
- маҳаллалардаги инфратузилма, ички йўллар, трансформатор, ичимлик суви қувурларининг талабга жавоб бермаслиги;
- уй-жой, ишга муҳтожларга аксар ҳолатларда ёрдам кўрсатилмагани;
- меҳнат ярмаркаларининг самарасизлиги;
- аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг пастлиги, онкологик касалликларга чалинганларга бефарқлик ҳолатлари,
- болалар ва аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари, аёллар жиноятчилигининг ошиб кетгани;
- маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағларнинг суистеъмол қилиш ҳоллари, давлат харидларида йўлга қўйилган нотўғри сарф-харажатлар...

— Қўштепа туманида 253 нафар аёл мономарказларда касб-ҳунарга ўқитилган, бироқ бирортаси ишга жойлашмаган, — деди Танзила Норбоева. — Бу қандай гап? Нима учун уларнинг тақдирини билан охиригача қизиқмайсиз? Ёки "Агробанк"ка кредит олиш бўйича 900 та мурожаат келиб тушган, уларнинг 841 тасига маблағ ажратилмаган. Сабаб нима? Банкда пул йўқми?

— Сектор раҳбарлари бир кеча уй-сиз юрганларнинг ўрнига ўзини қўйиб, кўчада, дала шийонида ётиб кўриши керак. Шунда балки юракдан хис қилар?! — деди Хайрулло Бозоров нотўғри жой-

ларда яшаб юрганларга ҳалигача ёрдам кўрсатилмаганини танқид қилиб.

Юқоридаги танқидий хулосалардан келиб чиқиб, Бувайда, Қўштепа, Учқўприк, Фарғона, Тошлоқ, Бешарик, Ўзбекистон, Риштон сингари бир қатор туманлар ҳокими ва сектор раҳбарларига хайфсан берилди, фаолиятларини янада кучайтириш бўйича топширик ва тавсиялар айтилди.

Сенат раиси Танзила Норбоевнинг Қўштепа туманига ташрифи доирасида мутасаддилар томонидан Сенат раиси билан кўришишга тўқсинлик қилинган, уйга муҳтож фуқаро Сарвиноз Ҳозиралиева

кўзига ёш олиб деганди:

— Икки фарзандим бор, бирор ишга жойлашай десам, улар ҳали кичкина. Турмуш ўртоғим бир марталик иш орқасидан ойига 800 минг атрофида пул топади. Ижара ҳақимиз 1 миллион сўм. Икки кундан кейин у ерни ҳам бўшашиб қўйишимизни сўраяпти уй эгаси. Қаярга борамиз?

Бу оиланин қандай кун кечираётганидан кўнглимиз хуфтон бўлганди ўшанда. 1 май кунги йиғилишда Танзила Норбоева вилоятда 9 минг аҳоли ижарада яшашини айтиб, оғир аҳволдагиларга ижара ҳақини тўлаб бериш бўйича тақлиф киритди. Шунингдек, ҳудудларда хунармандчилик

йўналишларини белгилаб олиш, мардикор бозорини замонга мос ҳолда ташкил этиш, ўқувчи-талабаларда меҳнат тарбиясини шакллантириш, аутсорсинг хизматини йўлга қўйиш каби қатор тақлифлар берилди.

Хулоса қилиб айтганда, Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоевнинг Фарғонага ташрифи барча соҳа раҳбарлари фаолиятига тутилган кўзгү бўлди. Ойнада ўз аксини кўрган мутасаддилар тегишли хулоса чиқариб, маълум қарорлар қабул қилдилар, деб умид қиламиз.

Севара АЛИЖОНОВА.


Ким кимни алдаяпти?

БУЛОҚБОШИГА ҚАЧОН СУВ КЕЛАДИ?

Ўтган йилнинг февраль ойида таҳририятимизга Риштон тумани Булоқбоши қишлоғи фуқароларидан шикоят хати келиб тушган, бу хат асосида газетада "Сувга ташна Булоқбоши" номли мақола эълон қилинган эди. Унда "Булоқбоши" МФЙ-даги Ёшлар, Ҳовузбўйи, Янгизанон кўчаларидаги ичимлик сув муаммоси тилга олинган. Туман ҳокимлиги бу мақолага дарҳол эътибор қаратган, орадан икки ҳафта ўтиб-ўтмай, таҳририятга "Пастки" ва "Юқори Булоқбоши" МФЙ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш ишларига киришилди" мазмунда жавоб хати ҳам йўлланган. Лекин... Номлари зикр этилган маҳаллаларда яшовчилар чучварани хом санашган экан.

— 2019-2020 йилларда қишлоқ аҳли билан ҳамкорликда "Пастки Булоқбоши" МФЙнинг Мустақиллик, Узун кўча, Нурафшон кўчаларига 4 километр узунликда ичимлик сув тармоғи тортилган, — дейди "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ Риштон туман бўлими бошлиғи Жавлонбек Собиров. — Жумладан, бир донадан сув минораси, зарарсизлантириш қурилмаси, сув насоси ўрнатилиб ишга туширилган. Ҳозирда бу тармоқлар бир меъёрда ишлаб турибди. Юқори Булоқбоши ҳудуди дастурга киритилиб, маблағ ажратилиши билан сув тармоғини тортишга тушамиз. Булоқбоши қишлоғи ёнгинасидан

Катта Фарғона канали оқиб ўтади. Унинг сувидан экинларни сугориш, қишлоқ хўжалиғи учун фойдаланилса-да, истеъмол учун ярқоқсиз. Қадимда зилол сувли булоқ бўлганими, қишлоқ номи "сувнинг бошланиши", "суви мўл" каби маъноларни билдириши бугун фахр эмас, аламга айланган... — 2021 йилда туманимизда "Обод қишлоқ" дастури бўйича 22 км ичимлик сув тармоғи тортиш, 1 дона сув минораси, 5 дона сув насоси ўрнатиб ишга тушириш режалаштирилган, — дейди туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Нозимхўжа Ори-



пов. — Булоқбоши қишлоғи қизил ҳудудга кирмаган. Шундай бўлса-да, бу ердаги сув муаммосини ҳал қилиш устида иш олиб борилляпти. Тумани ривожлантириш бўйича 2021-2022 йил учун дастурда қишлоқда 2 та тик қудуқ қазиб, ишга тушириш ва сув тармоғи тортиш масаласи кўрсатилган. Албатта, бунинг ечимини маълум вақт талаб қилади.

Мутасаддиларнинг сўзларини тинглаб бўлган, қишлоққа йўл олдиқ.

— Қишлоғимизда икки ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Олти-етти йилдан буён шу муаммо халқимизни қийнаб келади, — дейди "Булоқбоши" МФЙ раиси Икромжон Рауфжонов бир уф тортиб олган. — Пастки Булоқбошига сув тармоғи тортилганда биз ҳам суюнгандик, афсус... Мурожаат қилмаган

оқсоқоллардан бири Мусажон Зарипов. — Ҳудудда учта тик қудуқ бор, лекин бирортаси мунтазам ишламайди. Агар шулар таъмирланиб ишга туширилса, аҳоли истеъмоли учун ярқоқ сув етарли бўлармиди... Қишлоғимиздан қўллар олимоз зиёлилар етишиб чиққан. Лекин шу биргина муаммо ечимини топмаётгани одамга алам қиларкан-да.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, агар мутасаддилар яна алдаматган бўлишса, яқин вақт ичида Булоқбошида ичимлик сув муаммоси бартараф этилади. Фақат бунинг учун муайян вақт ва маъсулларнинг жонсарақлиги талаб этилиши ҳам бор гап.

Ҳаётжон БОЙБОЕВ.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Миришкор ва тадбиркор УЧКЎПРИКЛИКЛАР



Ҳазинийнинг авлодлари кимлар?

Ҳазрат Зиёвуддин Ҳазиний ўз номини биргина "Фаргона тонг откунча" радиофи газали билан тарихга муҳраб кетган учкўприклик алломалардан.



Ҳазрат Зиёвуддин Ҳазиний ўз номини биргина "Фаргона тонг откунча" радиофи газали билан тарихга муҳраб кетган учкўприклик алломалардан. Ҳазрат Зиёвуддин Ҳазиний ўз номини биргина "Фаргона тонг откунча" радиофи газали билан тарихга муҳраб кетган учкўприклик алломалардан.



Ўзбекистонда ягона трикотаж маркази очилади

Олиб борилган ўрганишлар натижасида "Бошбошбек" МФЙда 252 та, "Бекмурод"да 57 та, "Зигир"да 114 та, "Палоҳон"да 52 та, "Якмаулла"да 60 та хонадонда фуқаролар томонидан энгил саноат маҳсулотлари (тикувчилик ва трикотаж) ишлаб чиқарилаётганлиги аниқланди, — дейди туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартриш бўйича биринчи ўринбосари Абдор Асқаров. — Мазкур тадбиркорлик субъектларида 3287 нафар аҳоли вақили меҳнат қилмоқда. Жумладан, "Uchkoprik Duxoba-Dastop" корхонаси томонидан пахта чиқиндисини қайта ишлаш орқали целлюлоза қоғози ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Умумий лойиҳа қиймати 50 миллиард сўм бўлган корхона тадбиркорнинг 23 млрд. 700 млн.сўм ўз маблағлари ҳамда "Асака банк" Қўқон филиалининг 2,6 млн. доллар қийматидаги банк кредити ҳисобига барпо этилмоқда.

Рамзий маънода айтсақ, Учкўприкни ушлаб турган учта кўприк бор. Улардан бири, шубҳасиз, Ҳазинийдек буюк зотлари, уларга муносиб Моҳиғул Ҳамдамовадек матонатли, интилувчан, илмли одамлари. Иккинчи — туманни дунё билан боғлаб турган кўприк — текстиль, трикотаж маҳсулотлари, қўли гўл чеварлари. Сўнгги кўприк эса тадбиркор, меҳнаткаш халқидир.

Туман марказида уй шароитида энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган 535 та оила учун умумий ишлаб чиқариш ва савдо комплекси барпо этилади. 15 гектар ер майдонида қад ростланиши кутилаётган трикотаж ишлаб чиқариш, сотиш ва логистика маркази ишга тушса, 7580 та иш ўрни яратилади.

Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 10 минг 200 тонна бўлган корхонада бир йилда 55 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Май ойида ишга тушириш режалаштирилган корхонада 500 та иш ўрни яратилади.



ИСМАЛОҚ... экспортга ёхуд Тепакўрғон ҳаётидан

Водил атрофидаги маҳалларда ҳўжағат, Олтириқда бодринг ва узум, Қувада анъанавий тарзда анор етиштирилса, Учкўприк туманидаги "Тепакўрғон" МФЙ ҳудудидаги фермер ҳўжаликлари ва хонадонларда исмалоқ ўстирилади. Бу баргли кўкат деҳқонларга тузуккина даромад келтирар экан. Лекин, табиийки, маҳаллий аҳоли бу экин билангина қийовланмай, томорқада мева ва сабзавотнинг бошқа турларидан ҳам яхши ҳосил олади.

Одамларимиз яхши-да, ҳосил ҳам яхши, — дейди "Тепакўрғон" МФЙ раиси, туман халқ депутатлари Кенгаши депутати, УЗЛДеп аъзоси Незматжон Султонов. — Ҳар бир хонадонда асосий даромад манбаи — 5 сотихдан 15 сотихгача ер бор. Боз устига бизда бўш турган томорқани кўрмайсиз: деҳқонларимиз бир йилда 3-4 мартадан ҳосил олишади. Кўчат, уруғ бозордан сотиб олинмайди, улар аҳоли иссиқхоналарида етиштирилади. Раиснинг сўзларига қараганда, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари"даги рўйхатлар гоё сийрак. Тўғри, "Ёшлар дафтари"да 68 исм бор бўлиб, ёш авлод муаммолари маҳалла йғини, қолаверса, туман ҳокимлиги томонидан ҳаминқадар ҳал этилган. Уларнинг аксарияти — пандемия сабаб уйда қолган собиқ меҳнат мигрантлари бўлиб, ўз-ўзини банд қилиб юрибди. Жумладан, деҳқончилик қилгилти, энди эса ипак курти парварishi билан ҳам банд. Хонадонлар шароитига қараб, 1-2 қутидан уруғ тарқатилибди. Хуллас, қишлоқ аҳолисининг зерикish туғул, қўли қўлига тегмайди. Мисол учун, кўмозорлик Номозовой ва Зафаржон Йигиталиевларнинг ўзга ўлкага бориб ишлашга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Бир-биридан тиришқоқ ака-укалар деҳқончилик орқасидан киши хавас қиладиган чиройли уйларда яшаб, энгил машиналарни физиллатиб миниб юришибди. Узига тўқ бундай оилалар оз эмас. Меҳнат фахрийси Номозовой Ботиров ёшлардан қолишмайди — томорқасининг уч сотихли ерида иссиқхона қуриб, эртанги сабзавот етиштириди. Қишлоққа табиий газ етиб келганича йўқ, суюлтирилган газ эса эҳтиёждан ортмайди. "Ез — ёпинчиғини қўйма, қишда ўзинг биласан" дегандай, уйдабурон деҳқон ҳосилни қиш совуғидан сақлаб қолиш учун иссиқхонанинг тўрт томонида темир тўгул, қўли қўлига тегмайди. Шу тарихи бодринг ҳосили қутилганидан ҳам мўл бўлди. Номозовой Ботиров каби бошқа элчил деҳқонлар борки, улар бир эгитнинг ўзида икки қаторлаб қулупнай, унинг орасида эса саримсоқпиез етиштиришди.

Маҳалла аҳолиси баҳор бошида ҳашар йўли билан дунёда энг тез ўсадиган 600 түп павловния кўчати экти. Қарагайдан икки хисса қиммат турадиган, атмосферага бошқа дархатларга қараганда беш баробар кўп кислород ажратадиган бу манзарали дархатдан ҳам меъбел, ҳам мусиқа асбобини яшаш ҳамда уни том тиклашда ишлатиш мумкин. Ҳашар йўли билан мактаб қуриш амри маҳол эканлиги аён, бунга катта маблағ керак. Мактаб эса сувдек зарур, негаки аҳолиси 5200 кишидан иборат Тепакўрғонда биронта ўрта таълим муассасаси йўқ. Маҳаллий болалар тахминан уч чақиримча йўл босиб, қўшни "Султон" МФЙ ҳудудидаги мактабга қатнаб юришибди. — Электр таъминотида эса узилишлар бўлиб туради, симёчларни ҳам алмаштириш пайти келди, — дейди раис бува. — Бир кун "Аёллар дафтари"га киритилган Ўғилхон Исмолова банкдан кредит олиб, пайпоқ тўқиш линиясини сотиб оломқчи эканлигини айтди. Мен уни шаштидан қайтардим: "Шамол эсиб, свет ўчса, нима қиласиз? Машиналар тўхтаб, маҳсулот тайёр холга келишга улгурмай, эрозис бўлиб қолади-ку", дедим. Ҳозир Ўғилхон савдо-сотиқ билан банд. Иши юришган аёл ухасига "Ласетти", ўз оиласига эса уч хонали хонадон сотиб олди. Исмалоқ етиштирилган деҳқонларнинг ҳам иши юришган. Маҳаллий деҳқонлар 10 сотихдан 2 тонна исмалоқ ҳосили йиғиштириб, 10 миллион сўм даромад олишар экан. Таркибида деярли барча витамин ва микроэлементлар бўлганлиги туфайли "соғлом турмуш тарзи йўлдоши" номини олган исмалоқ томорқаларда, шунингдек, фермер ҳўжаликларида етиштирилади. Хусусан, ерга бир назар ташлаб, унда қайси экин яхши ҳосил беришини биладиган олий маълумотли агрономлар — Адхамжон Мираҳмедов ва Абдумутал Пайгамбаров раҳбар бўлган фермер ҳўжаликлари пахта ва қалладан бўшаган далаларни исмалоқ етиштириш учун ўз аъзолари ихтиёрига беришади. Исмалоқ октябрь ойи охиригача экилиб, ҳосили ноябрь ойида йиғиштирилади. 1 гектар ердан 22 тоннагача исмалоқ териб олиш мумкин. Бундай ҳосил эвазига деҳқонлар 110 млн. сўмгача даромад олишади. Ҳар жиҳатдан фойдали бу кўкат қузда, асосий экинлар ҳосили териб олинганидан кейин ҳам, экин-тикин ишлари бошлангунга қадар — эрта баҳорда ҳам етиштирилади. — Ерларимизда ўстириладиган исмалоқнинг таъми Бекобод, Андижон, Наманган исмалоғи таъмидан фарқ қилиб, анча "ширин", — дейди фермер Абдумутал Пайгамбаров. — Ҳамма гап туғроғимиз структурасида. Еримиз худди исмалоқ етиштириш учун яратилгандек. — Бу кўкат Қозғистон, Жанубий Кореяга экспорт қилиниб, у ерда доридармон ва биздаги каби кўк таомлар тайёрланади, — дейди "Тепакўрғон" МФЙ раиси Незматжон Султонов. — Энди эса у Ҳиндистон, Арабистонга ҳам экспорт қилинапти. Тепакўрғонликлар тажрибаси кўп меҳнат талаб қиладиган пахта қатори бошқа деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва четга сотиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Хусусан, йилда уч-тўрт мартагача ҳосил берадиган ва чет элларда талаб юқори бўлган исмалоқни.

"Қўқон" эркин иқтисодий зонаси: МАҲАЛЛИЙ КОРХОНАЛАР МАҲСУЛОТИ — БОТКЕН БОЗОРИГА

700 гектардан зиёд майдонда жойлашган "Қўқон" эркин иқтисодий зонасида бугунга қадар 100 тага яқин лойиҳа амалга оширилган бўлиб, корхоналарнинг бу йилги экспорт ҳажми камида 55 миллиард долларга тенг бўлиши кўзланмоқда.

Мухсинбек Абдурахимов муассис бўлган "Kokand Bicycles" хусусий корхона зонада 2018 йилда иш бошлаган. Бундан аввал тадбиркор велосипедларни Қўқон шаҳридаги ўз ҳовлисида йиғиб келган эди. ЭИЗда иш бошлагач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ўсди. Хусусан, биргина 2020 йилнинг ўзида корхона MBF маркази остида 170 мингтадан зиёд велосипед ишлаб чиқарган. 200 нафар ишчи банд бўлган велосипед заводи йил бошидан Қирғизистонга умумий қиймати 700 минг АҚШ долларига тенг экспортни амалга оширган.

"Great Kokand" ҳам "Қўқон" ЭИЗда муваффақиятли фаолият олиб бораётган корхоналардан бири. Бу ерда маҳсулотни тайёрлаш учун ишлатиладиган хом ашёнинг 40 фоизи маҳаллийлаштирилган. Қурилиш, тўқимачилик ҳамда озиқ-овқат саноати каби тармоқларда талаб юқори бўлган қадоқлаб воситалари ишлаб чиқарилади.

"Kokand Bicycles" заводи каби "Great Kokand" корхонасининг ўз маҳсулотини Қирғизистонга экспорт қилиш эҳтимоли бор. Гап шундаки, яқинда "Қўқон" ЭИЗда бўлган Қирғизистоннинг Боткен вилоятилик ишбилармонлар зонада жойлашган қатор корхоналар билан ҳамкорлик борасида дастлабки келишувларга эришганлар.

Саҳифани Тамара ТОШМАТОВА ва Севара АЛИЖОНОВА тайёрлади.

Хабарингиз борми?

Фарғоналик тадқиқотчи балиқнинг ЯНГИ ТУРИНИ КАШФ ҚИЛДИ



Ўзбекистон географик жиҳатдан ўзига хос минтақада жойлашганлиги боис унинг ҳайвонот дунёси ҳам бошқа ҳудудлар фаунасинан етарлича фарқ қилади. Хусусан, умуртқали ҳайвонлар мукамал тузилишга эгаллиги билан ажралиб туради. Уларнинг янги турлари топилиши эса фан оламидаги камёб ҳодисалардан бири ҳисобланади.

Юртимиз сув ҳавзаларидаги балиқларни тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи фарғоналик биолог-ихтиолог Бахтиёр Шералиев кунги кеча ўлкамиз ихтиофаунаси учун янги балиқ турини кашф қилишга муваффақ бўлди. Кашфиёт халқаро «Journal of Fish Biology» журналыда расман эълон қилинди.

Фарғона водийси сув ҳавзаларида учрайдиган, аввал фанга маълум бўлмаган янги балиқ турига у кашф қилинган ҳудуд — Фарғона водийси шарафига Фарғона ялангбалиғи (Triphophys ferganaensis) деб ном берилди. Янги тур водийнинг тоғли ҳудудларидаги сувларда учрайди.

Биз тадқиқотчи билан суҳбатлашдик. — 1989 йил Риштон туманида туғилганман, — дейди у. — 2007-2011 йиллар давомида Фарғона давлат уни-

верситетнинг биология йўналишида ўқиганман. Бакалаврлик вақтида Фарғона ихтиофаунасини ўрганишни бошлаганман. 2012-2014 йилларда ФарДУ магистратурасида ўқиш мобайнида биология кафедрасида лаборант сифатида фаолият олиб бордим, кейин ўқитувчи бўлиб ишладим. 2015 йилда илк марта Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги олий таълим муассасалари ёш профессор ўқитувчиларини алмашиш дастури бўйича 10 ойлик грант ютиб, Хитойда стажировка ўтаганман. 2017 йилда Хитой Чунцин шаҳри жануби-ғарбий университетини докторантурасига ўқишга кирдим. "Ўтган йиллар давомида Ўзбекистоннинг барча сув ҳавзаларида бир неча мартаба ихтиологик экспедициялар ташкил қилдик. Балиқларни Марказий Осий учун илк мартаба молекуляр генетик таҳлил қилиш асосида тадқиқ


этиямиз. Бунгача ДНК таҳлили асосида Ўзбекистон жанубий сув ҳавзаларида учрайдиган 3 та балиқ турининг таксономиясига аниқлик киритилди. Ниҳоятда ноёб ҳисобланган, "Қизил китоб"га киритилган Амударё катта сохта куракбурун балиғининг тўлиқ митохондриал геномини аниқлашга муваффақ бўлинди.

Янги турни кашф қилиш жараёни ҳам тасодифан бўлмаган. Бу иш 2019 йилдаги илмий экспедициямизда йиғилган намуналар махсули. Сирдарё ҳавзасида ялангбалиқларнинг 10 та тури, шундан 5 таси Ўзбекистон ҳудудида учрайди. Улар бундан 70-150 йил аввал ўрганилган турлар бўлиб, биз аниқлаган тур Сирдарё ҳавзаси учун сўнги 70 йилликдаги илк балиқ тури ҳисобланади. Янги тур халқаро даражада экспертизадан ўтган. Унинг янгилигини халқаро даражадаги мута-

хассислар 2020 йилнинг август ойидан бери текширишди. 2021 йил апрель ойининг бошида бу янги тур Сирдарё ҳавзаси учун ниҳоятда муҳим топилма, деб ҳулоса беришди.

Аксарият тадқиқотчилар бизнинг минтақамиздаги барча ҳайвон турлари ўрганиб бўлинган, деб ҳисоблайди. Аслида бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Ўлкамиз сув ҳавзаларини тадқиқ этар эканман, бизда ҳали ўрганилмаган турлар етарлича эканлигига борган сари ишончим комил бўлиб бормоқда. Биз кашф қилган янги балиқ тури бунга ёрқин мисол бўла олади. Фарғона ялангбалиғи водийнинг тоғли ҳудудлари сувларида учрайди. Унинг ўзига хос хусусиятларини кашф этиш олдимизда турган муҳим вазифадир".

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.



Ўқидингизми?

Ислонбек халқаро танлов ғолиби



Олтириқлик Ислонбек Усмонов БМТнинг "Juststart" танловида муваффақиятли иштирок этиб, логистика бўйича инновацион лойиҳа ғолиблигини қўлга киритди. Ёш иқтидорли йигитга нуфузли халқаро ташкилотнинг Тинчликни мустаҳкамлаш жамғармаси томонидан 5 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратилгани ҳақида ёздаи "Давр овози" газетаси.

"Уйингизни "даволаш"ни биласизми?"



Шу сарлавҳа остида "Ойдин" газетасида мақола чоп этилди. Унда муаллиф руҳшунс Феруза Тожибоева истиқомат қилаётган уйимизни тез-тез "даволаш" туриш усулини батафсил баён қилган.

Фирибгар опа-сингиллар



Ўз жигилдонини ўйлайдиган фирибгарларда андиша, ор, инсоф бўлмас экан. Улар текин даромад топиш учун "ўзиники"ни ҳам, ўзгани ҳам тузоққа илтирибверади. Ташкилотлик опа-сингиллар ўз қариндошларини чув туширгани туман газетасида ёзилган.

ХТБ биноси замон талабига мос



"Бувайда кўзгуси" газетаси хушxabарига кўра, туман халқ таълими бўлими биноси янги қиёфада фойдаланишга топширилди. Уни замон талабига мослаштириб мукамал таъмирлаш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 850 миллион сўм сарфланди.

Рустам ОРИПОВ.



Китобхон мактаб

Фарғона тумани халқ таълими бўлимига қарашли 61-умумий ўрта таълим мактабиди 5 та муҳим ташаббус доирасида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилляпти.

Бурда тахсил олаётган 327 нафар ўқувчи ёш ўртасида "Энг китобхон синф" кўрик-танлови ўтказилди. Шу кунги 131 номдаги бадиий китоблар харид қилинди. — Мактабимизда "Китобим — офтобим", "Мен севган адиб", "Фарзандимга 3 китоб", "Китоб бизни бирлаштиради", "Мен севган эртак", "Менинг китоб жавоним" мавзусида байрам тадбирлари, учрашувлар ўтказиш аънанага айланган, — дейди мактаб кутубхонаси мудири Ҳабибхон Мирзаахмедова. Мактабда "Ёш китобхон" тўғраги фаолият кўрсатиб турибди. Бу ерда ўқувчи-ёшлар билан бирга маҳалладаги уюшмаган ёшларни китоб мутолаасига жалб этиш ишлари олиб борилмоқда. Юқори синф ўқувчилари ўртасида "Ким бўлсам экан", "Менинг бизнес гоям" мавзуларида учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Матн ва сурат муаллифи Шерзод ҚОРАБОВ.

Фарғона политехника институтини 2020-2021 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни тўғрисида МАЪЛУМОТ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ МАЪМУРИЯТИ 2020-2021 ЎҚУВ ЙИЛИДА БАКАЛАВРИАТ ВА МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ АСОСИДА БИТИРУВЧИЛАРНИ ИШ ЖОЙЛАРГА ТАҚСИМЛАШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Институтнинг бугунги кун талабларига мос келадиган битирувчи бакалавр ва магистрларига эҳтиёжи бўлган корхона раҳбарлари, уларга келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида ташкилотингизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингиз (маош, турар жой билан таъминлаш ва бошқа имтиёзлар) ҳақида институт раҳбариятига талабнома ва сўров хати билан мурожаат қилишингиз мумкин. Фарғона политехника институтини 2020-2021 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида маълумотни илова қиламиз (Г-давлат гранти асосида, Ш-шартнома асосида).

Маълумот учун телефон: 73 241-20-37, факс: 73 241-12-06. ФарПИ буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими. Манзилимиз: Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй.

Т/Р	Йўналиш шифри	Таълим йўналишлари номи	Битирувчилар сони			Фарғона шаҳри		Фарғона вилояти		Андижон вилояти		Наманган вилояти		Бошқа вилоятлар	
			Жами	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш		
Бакалаврият															
1	5111000	Касб таълим (электр энергетикаси)	19	5	14	3	5	6		5					
2	5111000	Касб таълими (кимё технологияси)	23	4	19	2	4	17							
3	5230100	Иқтисодийёт (тармоқлар ва соҳалар)	55	4	51	8	4	32		5		5		1	
4	5230200	Менеджмент	24	5	19	3	4	14	1	2					
5	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	23	4	19	2	4	16		1					
6	5310200	Электр энергетикаси	142	50	92	5	12	34	51	7	17	4	11	1	
7	5310600	Ер усти транспорт тизимлари ва эксплуатацияси	142	31	111	1	13	28	91	3	2	2	2	2	
8	5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари	54	10	44	1	4	8	36	1	2	1	1	1	
9	5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти	76	10	66		11	8	49	2	5			1	
10	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	88	26	62	4	6	19	47	2	8	1		1	
11	5311500	Геодезия картография ва кадастр	62	20	42	2	5	16	27	2	7	2		1	
12	5320200	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш	144	38	106	5	19	29	75	1	9	2	1	3	
13	5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар	117	27	90	1	17	23	70	2	2		1	1	
14	5320400	Кимёвий технология	178	45	133	7	23	35	102	3	4		2	2	
15	5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш технологияси	134	31	103	1	24	30	75		5				
16	5321000	Озик-овқат технологияси	99	19	80	4	12	13	65	2	2			1	
17	5321200	Табиий толини дастлабки ишлаш технологияси	46	14	32	1	5	12	27	1					
18	5321300	Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси	39	6	33	2	6	2	18	2	8		1		
19	5321600	Енгил саноат технологияси жиҳозлари	52	10	42	1	9	9	33						
20	5340100	Архитектура	51	17	34	7	8	10	22		4				
21	5340200	Бино ва иншоотлар қурилиши	40	8	32	2	12	6	17		3				
22	5340300	Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги	57	10	47	1	8	6	32	3	7				
23	5340400	Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи	104	28	76	10	18	16	54	2	4				
24	5340500	Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш	45	5	40		4	5	35		1				
25	5341000	Қишлоқ ҳудудларини архитектуравий лойиҳавий ташкил этиш	80	35	45	13	17	20	25	1	3	1			
26	5410500	Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси	101	27	74	4	7	22	65	1	1		1		
27	5610100	Хизматлар соҳаси	53	9	44	2	7	7	36	1					
ЖАМИ:			2048	493	1551	74	265	379	1137	34	108	10	25	2 15	
Магистратура															
1	5A310104	Саноат иссиқлик энергетикаси	9	6	3	1	1	3	2			2			
2	5A310201	Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар)	15	7	8	1	4	5	4					1	
3	5A310202	Энергия тежамкорлиги (саноат)	17	7	10										
4	5A310601	Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (автомобиль транспорти бўйича)	20	7	13	3	7	2	6	2					
5	5A320203	Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (машинасозликда)	12	6	6	2	2	3	3	1	1				
6	5A320305	Кимёвий саноат ва қурилиш материаллари корхоналарининг машиналари ҳамда аппаратлари	12	6	6	2		4	6						
7	5A320401	Ноорганик моддалар кимёвий технологияси	17	8	9	2	2	6	7						
8	5A321003	Озик-овқат хавфсизлиги	15	8	7	5	5	3	2						
9	5A340203	Инфратузилма объектларини қуриш (иншоотлар тури бўйича)	7	7		1		6							
10	5A340401	Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш	7	6	1	1	1	5							
11	5A340403	Иссиқлик-газ таъминоти, вентиляция, ҳавони мўътадиллаш ва ҳаво ҳавзасини муҳофаза қилиш	3	3		1		2							
12	5A410501	Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (дала экинлари маҳсулотлари бўйича)	11	2	9		3	2	6						
13	5A341001	Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш	9	5	4	4	3	1	1						
ЖАМИ:			154	78	76	23	28	42	37	3	1	2	0	0 1	
Институт бўйича жами:			2202	571	1607	97	293	421	1174	37	109	12	25	2 16	

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика Инкассация хизмати давлат унитар корхонасининг Фарғона вилоят бошқармаси оғиборида мавжуд бўлган қўйидаги товар-моддий бойликларини сотилади

Т/р	Товар-моддий бойликлар	Ўлчов бирлиги	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Сотилиш баҳоси
1	Газ баллон 3-авлод (100 л.)	дона	1	29.04.2015	1 920 000
2	Газ баллон 3-авлод (100 л.)	дона	1	29.04.2015	1 920 000
3	Газ баллон 3-авлод (100 л.)	дона	1	29.04.2015	1 920 000
4	Генератор 3 фаза 7,5 квт.	дона	1	21.12.2011	5 128 013
5	Темир гараж (йиғилдиган)	дона	1	31.10.2010	4 500 000

Мурожаат учун телефонлар: 73-244-18-07; 73-244-34-47.

<p>Фарғона шаҳар 23-ўрта таълим мактабини 2003-2004 ўқув йилида тамомлаган Кашапова Рушана Рафиковна номига берилган О'Р-А 0719238 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли</p> <p>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</p>	<p>Фарғона касб-хунар мактаби (собиқ Фарғона 2-ижтимоий-иқтисодийёт коллежи)ни 2015-йилда тамомлаган Низамов Абдумалик Машрабжон ўғли номига берилган К 3933220 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли</p> <p>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</p>
<p>Фарғона давлат университети қошидаги 11-сонли лицей-интернати (ҳозирги Фарғона давлат университети академик лицейи) ни 2001 йилда тамомлаган Йўлдашова Дилафруз Адихамжоновна номига берилган О'Р-А 915912 рақамли диплом ҳамда иловаси йўқолганлиги сабабли</p> <p>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</p>	<p>Олтириқ туманидаги 2-сонли касб-хунар мактаби (собиқ Олтириқ маийий хизмат касб-хунар коллежи)ни 2020 йилда тамомлаган Муҳаммедов Асадбек Эркинжон ўғли номига берилган К 5931074 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли</p> <p>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</p>



“ТИНЧЛИК – ТЕНГСИЗ НЕЪМАТ” дейди уруш қатнашчиси Ўлмасбой ота Долимов

Бағдод туманининг Қоровултепа қишлоғида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ўлмасбой ота Долимов хонадонига йўл олди...

Отаҳон билан сўхбатимиз мароқли кечди. Табиатан хушчақчақ ва зийрак Ўлмасбой отани саволларга кўмиб...

иштирок этдик. Кўп қурбон берилди... Отаҳоннинг кўзлари ёшланди. Жангларда қаҳрамонларча...



кундан сўнг жамоа хўжалиги раиси келиб, ишга олиб чиқиб кетди. Хўжаликда хисобчи бўлиб ишлай бошладим...

юртимиздаги ислохотларга буришимиз билан Ўлмасбой ота жонланиб, кўзлари нурланиб кетди...

Ҳаётжон БОЙБОБОВ.

СУФОН БОҒЛАРИДАН БАҲОР КЕТМАЙДИ

Суфон боғлари Ачанисо онанинг ўн бир фарзандига ризқ берган. Қаҳрамон беҳи, шафтоли, олча мевалари қуёшга интилаётган боғ четиға қардрдон парчасини элтиб, китоб мутолаасига шўнғиган пайтлари кўп бўлган...

Ўша шўх-шаён лаҳзалар орта қолганига ҳам ўттиз беш йилдан ошди. Суфон боғлари ҳамон тароватли, ҳамон яшил мўъжизаларга тугташ...

сўзлар, мен эса эшитганларим орқали Сурхондарё вилоятининг Сарюсиё ва Узун туманларида террорчи душманлар билан бўлган даҳшатли жангларда ҳалок бўлган қувасойлик алп йигит сиймосини чизибга уринардим.

Хоҳ госпиталда, хоҳ жанггоҳда...

Қаҳрамон Мадолимов Марғилон тиббиёт техникумида таҳсил олган, ҳарбий хизматни Ленинград денгиз флотига ўтади. Кейинчалик Фарғона ҳарбий госпитали, ҳарбий ҳаво кучлари қисмида хизмат қилди...

Сўнги туғилган кун

...30 июль. Туғилган кун. Аёлининг йигирма беш ёшлик таваллудини эсда қоларли қилиб ўтказишга уринаётган Қаҳрамон умрининг шу кунини жуфти ҳалолти Зурраҳонга, қизи Зайнурага бағишлашга аҳд қилган эди...

Бирок, бу охириги дийдор, охириги меҳр изхори, сўнги байрам бўлиб қолди. Зурраҳон шу-шу ҳар йилги таваллуд кунини ўша йигирма беш ёшини ёстиқдоши билан нишонлаган кун хотираси билан ўтказишди...



бида қаҳрамон бюсти ўрнатилган. Сўлим Суфон боғларида яна кўккан, яна тириклик наҳидаси. Она тупрок фар ботир фарзанди жисмини ўз бағрида муҳом асраб ётажак...

Дилнавоз ҲОТАМ ҚИЗИ.

Ватан омон экан, ҳаётдир у ҳам

Қаҳрамон Мадолимов бугун ҳаёт бўлганида бир кам эллик ёши қаршилаган бўларди. Орандан қанча вақтлар ўтса ҳам у Ватани, эл-у юрт хотирасида йигирма саккиз ёшли ўғлон сиймосида яшайверади...



В акт шамоли қирқ биринчи йил бўронига қўксини тутган алп йигитлар қаддларини букиб, кўшларини уфқ ортига яширди. Фронт орти қатнашчиларининг сафи ҳам тобора озайиб бормоқда...

рига “Фронтга” ёзуви билан мевачева, туршак-қоқилар, кийим-беш, жундан тўқилган пайпоқларгача юбориб, ҳатто Ватандан муржа деб бир чаноқ пахта ҳам жўнатмалар ичига солиб қўйган муштирапарлар юрагини шелон қичқирғи баттар тилка-пора қиларди...

юз-кўзларига термулиб қолиш, унинг навқирон суратини хотирасига чизиб олишга уринарди... 1941 йил. 2-Украина фронтига сафарбар қилинган йигитларга хизмат вазифалари оқланаётган палла. Аскарлар навбатма-навбат топириқ оларди...

қўрди. Қулфат ичида қолган одамларнинг мулкига қўз олайтиришдан қаттиқ уялди. Чехословакиядаги жанггоҳлардан бирида азбаройи қора қон қолмаган одамларни панага олиб чиқишга уринаркан, тинмай ёғилаётган ўқ ёғирларидан қўрқиб, айрим қўшқошлари уни тарк этди. Абдусамат ҳали тирик бўлган чала-жонни ташлаб кетмади, кетолмади...

зилишди. — Бунақа пайтларда бизнинг дала-лар қизил лолаларга тўларди, — деди Абдусамат Иванининг снряд парчаси тилган юзига қараб. — Қондай қизилми? — Ҳа, қип-қизил. Урушдан омон чиқса, уни албатта, Узбекистонга олиб келиши, лола тўлган адирлар, қўй-қўзилар ўтлаб юрган кенгликлар, боғу роғларни қўрсатиши кўнглига туйган алпнинг бу муроди ҳосил бўлмади...

эъзоз қўрди, қачонлардир лойсувоқ томларига лолалар унган, фарқ пишган олмалари девор оша қўшни уйга мўралган ховлида 96 ёшгача умргузаронлик қилди. Бундан ярим йилча бурун азиз жонини Ҳаққа топширди. — Отам ўз умридан, тақдирдан рози кетдилар, — дейди ўғли Аъзамжон Фуломов. — Юртга тинчлик-омонлик сўраб, давлатимизнинг, Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан қувониб, дуолар билан алқаб-алқаб ўтдилар. Ҳа, Иккинчи жаҳон уруши халқ бошиға қанчалик қулфату аламлар солмасин, одамлар қалбига ягона таскин тирик турарди. Бу меҳр-оқибат, эзгулик, Ватанга, тинчликка муҳаббат эди...

Publication information including contact details for 'Farg'ona haqiqati' and 'Ferganskaya pravda' newspapers, subscription rates, and address information.